

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил февраль ойининг 18 куни, жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар суди, Фарғона шаҳар, “*****” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья О.Исмоилов, судья ёрдамчиси С.Қодировнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Фарғона шаҳар прокурори ёрдамчиси А.Хапизов, гумон қилинувчи ***** ва унинг ҳимоячиси “*****” адвокатлар бюроси адвокати П.Халилов, жабрланувчининг қонуний вакили *****нинг иштирокида,

19** йил * ноябрь куни, Фарғона шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, тадбиркор, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ***** шаҳар, ***** кўчаси, ***-хонадонда яшовчи *****га нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК **-моддасининг *-қисми билан юритилган 1-1501-2503/312-сонли жиноят ишини кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, 2025 йил 24 январь куни соат 16:00 ларда фуқаро ***** ўзининг бошқарувидаги “*****” русумли, 40 N *** МВ давлат белгили автомашинасида, Фарғона шаҳар, ***** МФЙ, ***** кўчаси бўйлаб, ***** кўчаси томондан, Фарғона ***** МФЙ, ***** кўчаси томонга қараб бошқариб кетаётиб, шу кўчада жойлашган **-уй олдида яқинлашганида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-банди “г” кичик бандида кўрсатилган “Ҳаракатланиш жараёнида бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига, айниқса, пиёдалар, болалар, ногиронлар, қариялар, индивидуал ҳаракатланиш воситалари ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши” деб кўрсатилган талабларини ҳамда 77-бандидаги “Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серқатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун



хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, автомобил йўли қатнов қисмида ўзига нисбатан ўнг томондан чап томонга йўлни кесиб ўтаётган пиёдачи вояга етмаган *****ни уриб юбориб йўл транспорт ходисасини содир қилган. Натижада вояга етмаган ***** тан жароҳати олиб, РШТЁИМФФга мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизанинг 202* йил ** январь кунги ***-сонли хулосасида вояга етмаган *****да ўнг катта болдир суяқларини ўрта қисмида ёпиқ синиши ва чап болдир суягини пастки қисмидан эпифизиолизи ва қирғоқли синиши аниқланиб, бу тан жароҳати оғирлик даражаси бўйича оғир турдаги шикастлар тоифасига киришлиги кўрсатилган.

Жабрланувчининг қонуний вакили ***** судга ***** билан ярашишгани тўғрисида ариза тақдим қилиб, гумон қилинувчига ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани сабабли зарар мавжуд эмаслиги, у билан ихтиёрий равишда ярашиб олишгани, бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, суд ярашувни тасдиқласа, иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишлари тушунтирилгани, шу боис иш юритишни тугатишни сўради.

Гумон қилинувчи ***** судга ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни бартараф этиб, ***** билан ихтиёрий равишда ярашиб олганлиги сабабли иш юритишни тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ушбу Кодекс 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумон қилинувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили аризаларини иш ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашув асосида тугатиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, гумон қилинувчи *****нинг айбига тўлиқ иқрорлиги, етказилган зарарнинг тўлиқ қоплангани, жабрланувчининг қонуний вакилига бирон-бир тазйиқ ўтказилмагани, гумон қилинувчини жабрланувчининг қонуний вакили билан ихтиёрий равишда ўзаро ярашиб олганликларини инобатга олиб, жиноят ишини иш юритишдан тугатишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчининг қонуний вакилига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.



Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчи *****га нисбатан бўлган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

Гумон қилинувчи ***** жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

Ажримдан норози тараф ўн кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида хусусий шикоят беришга, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

О.Исмоилов

